

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 17 февралдаги “Вазирлик тизимидаги олий таълим муассасаларида 2017 йилда ўтказиладиган илмий анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 86-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат шарқшунослик институтида **2017 йил 8 апрель куни «XXI асрда жаҳон сиёсати ва Ўзбекистон тажрибаси: сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари»** мавзусида Вазирлик миқёсидаги илмий-амалий 4-конференция ўтказилади.

Конференция кўйидаги шўъбаларда иш юритади:

- 1. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида глобал ва минтақавий муаммоларни ҳал этиш вектори.*
- 2. Жаҳон сиёсатининг методологик ва назарий масалалари.*
- 3. XXI асрда хорижий давлатлар ташқи сиёсати ва ташқи сиёсий фаолиятининг долзарб муаммолари.*

Дастурни шакллантириш учун маърузаларнинг мавзулари 2017 йил 25 март кунига қадар, конференция материаллари тўпламига киритиш учун мақолалар ташкилий қўмига тақдим этилиши лозим.

Мақолалар матни тўлиқ 5-8 бет ҳажмда **электрон ва қоғоздаги** нусха шаклида жўнатилиши лозим; Тезис матни (Microsoft word (Word 2000, XP ёки 2003) дастурида (Word-2007, 2010 дан ташқари) Times New Roman (ўзбек, рус ва инглиз тилида), шрифти 14 кегел катталигида; тезис 1,5 интервалда, чапдан 30 мм, ўнгдан 15 мм, юқоридан ва пастдан 25 мм жой қолдирилган ҳолда расмийлаштирилган бўлиши лозим; мақола ёки тезис мавзуси бош ҳарфларда кўрсатилади, ундан икки қатор пастда муаллифнинг исми шарифи бош ҳарфлари ва фамилияси, илмий даражаси, иш жойи ва лавозими тўлиқ кўрсатилади, ундан 2 интервал ташлаб матн келтирилади. Иқтибослар мақола охирида келтирилиши лозим.

Матн илмий, техник ва стилистик таҳрир қилинган бўлиши лозим.

Барча талабларга жавоб берган мақолалар конференция материаллари тўпламига киритилади ва нашр этилади.

Иқтидорли талаба ва магистрантларнинг илмий мақолаларига илмий раҳбар тақризи талаб этилади.

Конференция материаллари тўплами хўжалик шартномаси асосида нашр этилади ва харажатлар муаллифлар томонидан қопланади (Мақоланинг ҳар бир бети учун 10000 сўм).

Ташкилий қўмига: Тошкент давлат шарқшунослик институти Жаҳон сиёсати ва тарих факультети.

Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. (5-қават, 506- хона) Тел: 256-65-18. (Ойбек метроси ёнидаги бинода). E-mail: yovkochev@mail.ru